


Ғофуржон Сатимов



**Б**обурийлар  
салтанатида  
давлат бошқаруви

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2017

УЎК 94(575.1)  
КБК 63.3(5Ў)  
С 33

**Тақризчилар:**

**Раҳмон Фармонов** – тарих фанлари доктори, профессор  
**Зокиржон Машрабов** – Халқаро Бобур жамоатчилик  
фонди раиси, профессор



## МУҚАДДИМА

Улуғ ажодимиз, буюк давлат арбоби, маҳоратли саркарда, қомусий аллома ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти жуда серқирра ва сермазмундир. Бизга маълум бўлган илмий адабиётларда бу комил инсоннинг буюк саркарда, адолатли давлат бошқарувчиси ва бунёдкор ҳукмдорлик сифатлари деярли ўрганилмаган. Шунингдек, бобурийлар давлат бошқарувининг самарали усулларини ишлаб чиққанлиги, мамлакатда фан ва маданият ривожига ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси етарли даражада ёритилмаган.

Мовароуннаҳр тарихида ўчмас из қолдирган, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон тарихида туб бурилиш ясаган, бу мамлакатлар халқларининг маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришларни амалга оширган темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда тарқоқ мамлакатнинг сиёсий бирлигини таъминлаб, бобурийлар салтанатига асос солди ва мамлакат тарихида янги саҳифа очди.

Бобуршоҳ ва бобурий шаҳзодаларнинг ҳаёт йўли, уларнинг беқиёс бунёдкорлик ишлари, давлат бошқарувида амалга оширган ислохотлари, қолаверса, умуминсоний ғоялари ватандошлари қалбида, албатта, катта қизиқиш уйғотади.

Ҳиндистонда бобурийлар салтанати ўрнатилганига 500 йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, тарихчилар ва маҳаллий халқ ҳали-ҳануз уларнинг номларини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга астойдил киришилган бугунги кунда биз олиб бораётган тадқиқот иши, албатта, муҳим аҳамият касб этади, деб умид қиламиз. Зеро, «...биз

хаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур».<sup>1</sup>

\* \* \*

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида Бобурийлар сулоласи ҳақида ўнлаб илмий-тарихий ва адабий асарлар яратилган. Бу асарларнинг кўплари бобурий шахзодаларнинг замондошлари томонидан яратилган бўлиб, асар муаллифларининг аксарияти ўша давр воқеаларида иштирок этган. Бу асарлар Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин вақт давомида ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Бобурийлар сулоласи ўзининг 332 йиллик тарихи давомида салтанатининг қудрати ва адолатли давлат бошқаруви билан дунё аҳлини ҳозиргача ҳайратга солиб келади. Бу маънавий меросни ўрганиш ва уни салтанат асосчиси бўлмиш бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она ватанида тарғиб ва тавсиф этиш бугунги авлод, яъни биз учун ҳам қарз, ҳам фарз-дир. Зеро улар яратган маънавий мерос, уларнинг умумбашарий кадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссаси бизнинг ҳам маънавий мулкимиздир.

Бу меросни ҳолисона назар билан ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш, улардан зарур хулосалар чиқариш ва бу маънавий бойликдан халқимизни баҳраманд қилиш, ўқувчида ўз ватанига меҳр-муҳаббат, уни севиб-ардоқлаш ҳиссини уйғотади, истиқлол туйғусига садоқат ва ўз халқи билан фахрланиш туйғусини шакллантиради. Зеро, «Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди»<sup>2</sup>.

Ушбу мавзунинг ўрганилишига доир тадқиқотларда бобурийлар салтанатининг ўзига хос хусусиятларига етарли эътибор берилмаган ёки, асосан, унинг салбий жиҳатларини ёритишга

---

<sup>1,2</sup> *И.Каримов*. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Шарқ» НМАК, 1998, 9-б.

ҳаракат қилинган<sup>1</sup>. Бунинг сабаблари, албатта, маълум; Шўро империяси ҳукмронлиги даврида аجدодларимиз ҳақида гапириш ва ёзиш қатъиян ман қилинган эди.

**Тадқиқот манбалари.** Биз ушбу тадқиқотимизда хорижда яратилган тарихий манбалар асосида ҳозирги Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон тарихида ўзининг заррин саҳифалари орқали алоҳида ёғду сочиб турган, Бобуршоҳ томонидан асос солинган бобурийлар салтанати тарихининг энг гуллаб, яшнаган даврини ёритишга, аниқроғи, бобурийлар салтанати тарихида мавжуд бўлган маъмурий давлат бошқарув сиёсати тизими, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш ва қудратини янада оширишга муносиб ҳисса кўшган бобурий шаҳзодаларнинг давлатни бошқариш маҳорати, уларнинг шахсияти, инсоний қиёфаси ва тарихда тутган ўрни ҳақида айрим мулоҳазаларни ушбу соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар ва китобхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Бу давр Бобурийлар давлати барпо этилгандан бошлаб то Аврангзеб ҳукмронлигининг охиригача бўлган 180 йиллик тарихни ўз ичига олади ва бу давр бобурийлар салтанатининг энг гуркираб ривожланган ва тараққиёт чўққисига чиққан даври ҳисобланади. Аврангзеб ҳукмронлигидан кейинги давр эса бобурийлар салтанати тарихининг сўниш палласи бошланишидан далолат беради ва бу соҳа алоҳида тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Ушбу мавзунини ёритишда, асосан, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида инглиз тилида чоп этилган илмий-тарихий манбалар, шунингдек, ўзбек ва рус тилларидаги замонавий адабиётлардан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Азимжоновна С. Государство Бабур в Кабуле и в Индии. М., Наука, 1977; Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя могольской империи Акбара. (1556–1605 г.г) М. Изд. АН СССР, 1952.; Бернье Франсуа История последних политических переворотов в государстве великого могола. Журн.» Звезда Востока», № 1,2, 1996 г.;



---

## БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАБИАТИ ВА ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ

**Подшоҳ ва унинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни.** Ислом дини тарихида давлатни бошқариш сиёсати дин сиёсати билан биргаликда амалга оширилиб келингани бизга яхши маълум. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага хижрат қилганларида мусулмонлар ул зотни янги эътиқод асосчиси ва янги шаклланган жамоа раҳбари сифатида тан олганлар. У ҳазратнинг олдида раият онгига янги диний таълимотни сингдиришигина эмас, балки ривожланиб келаётган бу таълимотдан хавфсираб турган атрофдаги ғанимларнинг таҳдидидан аҳолини ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш вазифаси ҳам турарди. Пайғамбар (с.а.в.) ҳаёт пайтида унинг қўл остидаги раиятда ажралиш ва бошбошдоклик ҳаракатлари мутлақо кўзга ташланмайди. Чунки, унинг давлатни бошқариш сиёсати муқаддас Қуръони карим талаблари асосида ташкил этилган эди. Бу пайтларда мусулмонлар жамоаси бошлиғи халифа ҳисобланиб, у мусулмонлар сардори ва олий ижроия ҳокимияти раҳбари вазифасини бажарар эди. Бобурийлардан аввал Ҳиндистонда ўз ҳукмини ўрнатган афғон султонлари ҳам халифани ўзининг ҳомийси сифатида тан олиб, унинг номи билан танга пуллар зарб қиларди ва унинг номини хутбага қўшиб ўқитар эдилар.

Темурий шаҳзодалар ҳукмронлик қилган пайтларда халифалик турк султони қўлига ўтди. Маълумки, ўша пайтда темурийлар билан турк султонлари ўртасида кескин ғанимлик муносабатлари мавжуд эди. Бу ҳақда турк султонларига қарши олиб борилган жанглار гувоҳлик бериши мумкин. Шу боис темурийлар халифани умуман тан олмас ва қўл остидаги мамлакатлар худудида энг юқори мавқеда турадиган ҳукмдор деб

ўзларини ҳисоблар эдилар ва, ўз навбатида, ўз номи билан танга пуллар зарб қилишар ва ўз номини хутбага қўшиб ўқитар эдилар. 1517 йилга келиб турк султони тасарруфидаги халифалик барҳам топгандан кейин бобурийлар салтанатида халифалик тушунчаси бутунлай истеъмолдан чиқди.

Дастлаб бобурийлар давлат бошқаруви тизими Соҳибқирон Амир Темур томонидан жорий этилган маъмурий тизим асосида ташкил этилган эди<sup>1</sup>. Амир Темур ҳақида ёзилган «Малфузоти Темурий»<sup>2</sup> асарида айтилишича, Амир Темур саройида бош вазир лавозимида ўтирган Девонбеги қўл остида еттита вазир ишлаган. Улардан вазири мамлакат, вазири сайёр, вазири сипоҳ ва вазири корхона лавозимидаги вазирлар бевосита молиявий масалалар билан шуғулланганлар.

Вазири мамлакатга раиятда ҳукм сураётган вазият, вилоятлардан олинадиган йиғим ва солиқлар, умумий даромад ва буромад, ҳамда аҳоли турмуши ва мамлакат тараққиёти билан боғлиқ масалаларни бошқариш вазифаси юклатилган.

Вазири сипоҳ навқарларнинг маошлари, уларни рағбатлантириш ва ҳарбий жихозлар ҳолати, қўшин таркиби каби масалалар ҳақида амирга маълумот тайёрлар эди.

Солиқ ва йиғим манбалари, яъни бож, закот, вафот этганлар мулки, чорвачилик, яйловлар, сув ва ем-хашак тайёрлаш, мамлакат ҳудудига кириб-чиқаётганлар рўйхати, бедарак йўқолганлар масаласи кабилар вазири сайёр зиммасига юклатилган эди.

Вазири корхона эса мамлакат ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти, уларнинг даромади ва буромади ва чорвачилик учун сарфланадиган умумий харажатларни назорат қиларди.

Бобурийлар салтанати маъмуриятида юқорида зикр этилган давлат бошқаруви идораларидан ташқари, яна вазири арз, вазири девон, вазири мушриф каби лавозимлар кўзга ташла-

<sup>1</sup> Қ а р а н г : Темур тузуклари. – Т., 1996.

<sup>2</sup> Malfuzati-Temuri. Translated by Major C.Stewart, London. 1830.

нади. Бунда айрим ислохотлар ўтказилиб, маъмурий бўлим бошлиқлари ишига аниқликлар киритилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.<sup>1</sup>

Бобурийлар давлатининг маъмурий идора тизими ўз табиатига кўра Соҳибқирон Амир Темур салтанатида мавжуд бўлганидек, ҳарбий ҳокимият бўлиб, мамлакат марказлашган яқка ҳукмдорлик тамойили асосида моҳир ва жасур саркарда ва давлат арбоби бўлмиш подшоҳ томонидан бошқариларди.

1507 йилга келиб Бобур мирзо расман «подшоҳ» унвонини олиши заруратини сезди. Чунки қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазият шуни тақозо этарди. Бу пайтга келиб у Кобул тахтини арғунлардан тортиб олиб, давлат бошқарувини ўз қўлига олганди. Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин темурийлар сулоласидан кўзга кўринган етакчи – Бобуршоҳ эди. Унинг мўғул тоғалари билан олиб борган сиёсий алоқалари барҳам топган, чунки Шайбонийхон уларни тор-мор этганди.

Бундан ташқари, қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазият ҳам хавф солиб турарди. Шарқда Усмонли турклар, Эронда Сафавийлар, Марказий Осиё (Мовароуннаҳр)да Шайбонийхон темурийларни сиёсий сахнадан супуриб ташлаш иштиёқида ёнарди. Ваҳоланки, яқин тарихда темурийлар уларнинг барчасига ҳукмрон эди.

Ўша пайтда турк султони ўзига «қайсар», Шайбонийхон «султон», сафавийлар сардори Исмоил эса ўзини «шоҳ» унвони билан атар эди. Бобур ҳам улардан кам эмаслигини кўрсатиш мақсадида ўзига «подшоҳ» унвонини олди.

Абулфазл Алломийнинг изоҳлашича, «подшоҳ» сўзи «под» – муқимлик, эгалик қилиш ва «шоҳ» – аслзода, ҳукмдор маъноларни англатар экан<sup>2</sup>. Демак, «подшоҳ» сўзини «дои-

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г : Ўша асар.

<sup>2</sup> Қ а р а н г : Abul Fazl. The Aini Akbari. vol.1. Transl. by H. Blochmann. Delhi, 1977.



мий ҳукмдорлик қилувчи аслзода» деб тушуниш мумкин. Бобуршоҳ айнан ана шундай улуғ унвонга муносиб ҳукмдор эди.

Бобурийлар давлати бошқаруви тизими марказлаштирилган тизим бўлиб, унинг асосий таянчи подшоҳ ҳисобланарди. Унинг розилигисиз ҳеч қандай маъмурий қарор қабул қилинмас, давлат аҳамиятига молик ҳар қандай ҳужжат подшоҳ назаридан ўтиши ва тасдиқланиши керак бўларди. Подшоҳнинг розилиги олингач, бу ҳужжат ижро этиш учун мутасадди идораларга юбориларди. Биронта маъмурий идоранинг фаолияти подшоҳ назаридан четда қолмасди.

Подшоҳ бир вақтнинг ўзида бош кўмондон ҳисобланиб, ҳарбий юришларни кўпинча ўзи бошқарар, айрим ҳоллардагина бу вазифа шахзодалардан бирига ёки шоҳнинг ишончли вакилига топширилар эди. Бундай ҳолларда подшоҳ қўшиннинг ҳар бир ҳаракати ва бу ҳаракатнинг натижасидан муттасил хабардор бўлиб турар, зарур бўлган ҳолларда юришга ўзи раҳбарлик қиларди. Давлат аҳамиятига молик барча масалалар, кўшин ва унинг таркиби, молия ишлари, маҳаллий ҳокимият фаолиятига тааллуқли масалалар, алоқа воситалари хавфсизлиги, деҳқонлар ҳаёти, савдо ва нарх-наво, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш, таълим ва тарбия масалалари, олиму уламолар фаолияти, уларнинг моддий таъминоти, хуллас, раиятнинг барча турмуш иқир-чиқирлари подшоҳнинг синчков назаридан четда қолмасди. Қўл остидаги мансабдорларнинг фаолияти, улар мартабасининг ортиши ёки пасайиши, уларнинг маошлари миқдори фақат шоҳнинг фармони асосидагина ўзгартириларди. Мансаблар отамерос қолдирилмас, фақат ражпутлар ва маҳаллий ҳиндлар ҳокимлик қиладиган хонликлардагина ҳокимлик мансаби отамерос тарзида фарзандларга берилиши мумкин эди. Лекин, шунда ҳам подшоҳнинг розилигини олиш шарт бўлиб, бу чора, афтидан, уларнинг садоқатини ошириш мақсадида қилинганди.

Ҳинд тарихнависи Л.П. Шарманинг таъбири билан айтганда «Подшоҳга асосан иккита масъулият – «жаҳонбоний» – яъни давлатни бошқариш тизгинини қўлда маҳкам тутиш ва «жаҳонгирий» – яъни салтанат ҳудудини кенгайтириш масъулияти юклатилганди. Бундан ташқари, улар қўл остидаги фуқаронинг турмуш фаровонлигини ва маданиятини яхшилаш чораларини тинмай қидириб топар ва амалга оширадиди.

Бобурийлар давлати сиёсатининг яна бир хусусияти шунда эдики, улар давлатни бошқаришда фуқаро эътиқод қиладиган динларга нисбатан беғаразлик билан холисона сиёсат олиб борарди. Бобуршоҳ ва Ҳумоюншоҳ фаолиятида бирон бир диний жаҳолатпарастлик кўринишлари намоён бўлмади. Акбаршоҳ эса мавжуд барча динларни муросага келтирди, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиб янги диний назария, «Дини илоҳий» назариясини ҳам яратиш пайида бўлганди. Жаҳонгиршоҳ билан Шоҳ Жаҳон фаолиятида эса Акбаршоҳ бошлаган диний сиёсат давом эттирилганини кўрамиз. Фақат Аврангзеб ҳукмронлиги давридагина Акбар тутган сиёсатнинг аксича иш юритилиб, номусулмон эътиқоддаги фуқаро таъкиб остига олинган ҳоллар кўзга ташланади. Мана шу хислатлари билан Бобурийлар давлати сиёсати ўзидан аввалги бу мамлакатда мавжуд бўлган тизимдан, яъни афғон султонлари маъмурияти сиёсатидан тубдан фарқ қилади.

Бобурий подшоҳлар ўз ҳукмронликлари даврида давлатни бошқариш тизимида муайян ислохотлар ўтказиб турган.

Туркий халқларда қадимдан ҳукмдорни «Худонинг ердаги сояси» деб тан олинади. Бу назарияга, айниқса, Ҳумоюн алоҳида ихлос билан риоя қилган. Унинг тарихчиси Хондамир Ҳумоюнни ҳукмдорликнинг дунёвий ва руҳий ифодаси, яъни «Жамоаи салтаноти ҳақиқий ва манози» деб, подшоҳни эса Худонинг ердаги сояси «Ҳазрати Подшоҳ Зиёи – Илоҳий» деб атайди. Подшоҳга Худодан илҳом ва ваҳий келишига ва



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4396> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4396> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4396>